

## ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА САМАРАЛИ УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

*Рустам Ахунджанович Бегматов.*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти*

**Аннотация.** Мақолада ёшларни ахборот хуружси ва таҳдиidlардан ҳимоя қилишида самарали усулларни ишлаб чиқишининг долзарблиги ва мамлаатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳатлар қисқача баён қилинган.

**Калим сўзлар:** Ахборот хуружси жасамият, ёшлар, барқарорлик, , ислоҳотлар, ҳуқуқий онг.

**Аннотация.** Встатье рассматривается актуальность разработки эффективных методов защиты молодежи от информационных атак и угроз. и реформы в этой области нашей стране

**Ключевые слова** Информационная атака общество, молодежь, стабильность,, реформы, правосознание

**Annotation.** The article discusses the relevance of developing effective methods to protect young people from information attacks and threats reforms in this field in our country

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чукур кириб келаётгани, ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан чамбарчас боғлангани янада теран англатмоқда. Глобаллашув жараёнининг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш мумкин. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ютуқларининг кенг тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши кузатилмоқда. Айни пайтда воқелик шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва заарли ғоялар ўртасида азалдан қураш мавжуд бўлиб келганини ва бу қураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз. Ўзбекистонда хавфсизликни таъминлашнинг устувор вазифаларидан бири ахборот хуружининг ортиши шароитида жаҳон ахборот тизимиға интеграциялашиш, ахборотни эркин олишнинг кафолатини яратиш ва ахборот таҳдидларига қарши қурашишнинг самарали тизимини ишлаб чиқишидир. Президентимиз таъкидлагандек, “Бизнинг

асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир» [1].

Ҳар бир давлатнинг ахборот макони шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, уларга тегишли бўлган ахборотни ўзгартириш, рухсатсиз тарқатиш, маънавий ва руҳий борлиғига таъсир кўрсатиш, конституциявий тузумга қарши бўлган ғоялардан миллатлараро ва диний конфессионал, куч ишлатиш ва бошқа кўринишдаги ҳаракатлардан қонуний равишда ҳимояланган [2].

Ёшларга оид давлат сиёсати давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва ҳукуқий чора-тадбирлар тизимиdir. Шундай экан, бу қонун ёшларимизнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳукуқий кафолат ҳисобланади, норматив-ҳукуқий актда ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида, заарали таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишончига эга ёшлар келажагимиз гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳукуқига эга. Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳукуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади» деб ёзиб қўйилган.[3].

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев тамонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш белгилаб қўйилган [4].

Ёшларимизнинг ҳукуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга, жумладан, ахборот технологиялари ривожланган бир пайтда ёшларимизнинг виртуал сайтлар тўрига аралashiб қолиши, «мумкин бўлмаган» мавзуларда баҳсга киришиб кетиши, виртуал жиҳодлар каби «касаллик»ларга нисбатан иммунитетни шакллантириш зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бугунги кунда ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга дастуруламал бўлади, десак муболага бўлмайди. Жумладан, фармонда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбияни тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чукур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш белгиланган [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишига бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустақкам иммунитетни шакллантириш муҳимлиги қайд этилган [6].

Шунингдек, Президентимизнинг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чукур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, кўрсатиб ўтилган [7].

Ватанимиздаги ҳар бир ёш авлод онгига ана шу мақсадларимизни сингдириб борсак, уларга янги замонавий билимлар бераб, миллий ғоямиз руҳида тарбияласак, эртага меҳнатимизнинг самарасини албатта кўрамиз. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бу йўлда бизга ишонч ва илҳом, ғайрат ва шиҷоат берадиган бекиёс бир куч-қудрат борки, биз унга таяниб, ўз мақсадларимизга албатта етамиз. Бу – ҳаёт синовларида тобланган, сўзида қатъий турадиган, ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимиздир. Биз бугун кўп миллатли халқимизга, барчамизнинг умидимиз ва суюнчимиз бўлган ёшларимизга ишониб, маррани катта олмоқдамиз. Азиз фарзандларимиз, набираларимиз баҳтини, камолини ўйлаб, эл-юртимизнинг, халқимизнинг ёруғ келажагини кўзлаб, олдимизга улкан вазифалар қўймоқдамиз”.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (2017). Халқ сўзи газетаси, 2017-йил 20-сентябрь, № 189 (6883). 4-б.
2. Исматов Э. Энг хавфли хуруж бу ахборот хуружиdir. <https://jizzax.uz/3990-eng-havfli-huruzh-bu-ahborot-huruzhidir.html>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 12 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисидаги Фармони 2023-йил 11-сентябрь. Халқ сўзи газетаси, 2023-йил 12-сентябрь 190-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2019-йил 10-январь, № 5 (7235). 4 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони 2017.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 2017..